

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

“ЧАҚИРИҚҚАЧА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ” КАФЕДРАСИ

БУРХОНОВ САИДАЗИМ САИДНЕГМАТ ЎҒЛИНИНГ

**“ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРДА МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ СИФАТЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМНИНГ РОЛИ”**

Магистр академик даражасини олиш учун ёзиладиган

ДИССЕРТАЦИЯ

Мутахассислик: 5A111500-чақирикқача ҳарбий таълим

“Чақирикқача ҳарбий таълим”

Кафедраси бошлиғи: _____

подполковник: Л.Х.Худойбергенович

илмий раҳбар: _____

подполковник А.К.Кучкаров

Тошкент -2016

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар томонлама етук ва баркамол шахсни тарбиялашнинг муҳим хусусиятларидан бири, ёшларда Ватанга мухаббат, мардлик, жасорат каби сифатларни шакллантиришдир. Ҳарбий таълим замонавий ёшларни кўркмас, ботир, олийжаноб қилиб тарбиялайди. Ўз ўрнида мана шу омиллар ёшларни Ватанга мухаббат туйғуси билан тарбиялайди. Бироқ ёшларимизни онгини захарлайдиган яна бошқа бир қатор ташқи омиллар бўлиб, мазкур омилларни аниқлаш, олдини олишнинг психологик механизмларини ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари.

Тадқиқот мақсади: Ўқувчи-ёшларда мардлик ва жасорат сифатларини шакллантиришда ҳарбий таълимнинг таъсир хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Мардлик ва жасорат сифатларини адабиётларда таҳлили.
2. Мардлик ва жасорат сифатларини шакллантиришда ҳарбий тарбиянинг таъсирини аниқлаш.
3. Тадқиқот методларини танлаш ва экспериментал моделни яратиш.
4. Психологик ва педагогик хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети.

Тадқиқот объекти: Низомий номидаги ТДПУ чақириққача ҳарбий таълим йўналиши ўқувчи-ёшлар жамоаси.

Тадқиқот предмети: Чақириққача ҳарбий таълим йўналишида талаба-ёшларга мардлик ва жасорат сифатларини ўқитишнинг мазмуни ва методлари.

Тадқиқот услубияти ва услублари.

Тадқиқот методлари:

1.Кузатиш методи- бунда ўқувчи-ёшлар жамоаси кузатилиб махсус кундаликка кайд килиб борилади.

2.Сўровнома методи.

Тадқиқотнинг методологик асоси:

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов асарларида “...халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларнинг сафарбар этилаётганлиги...” тўғрисидаги фикрларни кўрамиз. Бундан ташқари буюк бобокалонларимиз Амир Темур, Нажмиддин Кубро, Абу Наср Фаробийларнинг асарларида мардлик, жасорат, ватанга мухаббат туйғуларининг улуғланишини, бу сифатларнинг ёшлар онгида шакллантириш ҳақидаги фикрларни кўришимиз мумкин.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси.

Таълим муассасаларидаги таълим – тарбия жараёнида ўқувчи-ёшларни мард ва жасур қилиб тарбиялаш орқали улардаги дунёқарашини, ватанга нисбатан мухаббатини, она юртига бўлган садоқатини ўстириш муаммоси мустақил тадқиқот тадқиқ этилди. Тадқиқотнинг самарали усул, восита ва шакллари ишлаб чиқилди. Тадқиқотнинг ўзига хос хусусиятлари ва омиллари таҳлил қилинди.

Ҳарбий кадрларни шакллантиришга ва уларда мардлик ва жасорат сифатларини таркиб топишига хизмат қилувчи Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафкураси, психологик- педагогик таълимот, илмий билим, дидактика тарбия назарияси, илғор методлар устуворлиги тадқиқотнинг методологик асосларини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан қабул қилинган қарорлари, таълим-тарбияни самарали усуллари, ҳарбий соҳадаги ва педагогика соҳасидаги олимлар томонидан яратилган асарлар мазмунида ўз ифодасини топган илғор

ғоялар, қарашлар, тадқиқот муаммоси доирасида амалга оширилган тажриба синов ишлари, тадқиқот учун назарий-амалий манбалар бўлиб хизмат қилди. Тадқиқотни олиб боришда қуйидаги илмий **педагогик методлардан** фойдаланилди;

Тадқиқот муаммосига доир педагогик, юридик ва методик адабиётлар мазмунини ўрганиш, уларда илгари сурилган ғояларни назарий жиҳатдан таҳлил этиш;

Таълимнинг самарали усуллари орқали ўқувчи-ёшларни мардлик ва жасорат сифатларини ўстиришнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш;

- педагогик кузатув
- респондентлар
- ўқитувчи ҳамда талабалар ўртасида ўтказилган суҳбатлар;
- улар ўртасида ташкил этилган анкета сўровлари;
- педагогик тажриба.
- Тадқиқот натижаларини умумийлаштириш, уларни қайта таҳлил қилувчи математик ва статистик методлар (Стъудент метод).

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиғи.

Ўрганилган адабиётлар ва ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида тўпланган материаллар ҳарбий таълим соҳасининг тармоқларини, таълим ва тарбия психологияси ва педагогикаси, шахс психологияси каби соҳаларини назарий ва маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади.

Шунингдек, амалий тадбиғи- ўқувчи-ёшларда мардлик ва жасорат сифатларининг шакллангиллиги уларнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб етишиш имкониятини беради.

Ишнинг тузилиши ва таркиби.

Диссертация кириш, 3 боб, 9 параграф, хулоса, тавсия, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан иборат бўлиб, унинг умумий хажми саҳифани ташкил этади.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси.

1. Ёшларда мардлик ва жасорат туйғуларини шакллантириш ҳарбий таълим ва тарбияга боғлиқ бўлади.

2. Ҳарбий таълимда ўқувчи-ёшлар ҳар томонлама етук, баркамол, мард, жасур бўлиб тарбияланиб, Ватанга мухаббат туйғуси энг олий кадрият сифатида белгиланади.

Илмий раҳбар:

Магистрант:

Подполковник А.К.Кучкаров_____

С.С.Бурхонов_____

Мундарижа

Кириш	
I. Боб. Ўқувчи-ёшларда мардлик ва жасорат сифатларини шакллантиришнинг ҳозирги кундаги аҳамияти.....	
1.1. Шарқ алломалари асарларида мардлик ва жасорат сифатларини ёритилганлиги масаласи муаммо сифатида	
1.2. Ёшларимиздаги мардлик ва жасорат сифатларининг замонавий ҳолати	
1.3. 1 Боб юзасидан хулосалар	
II. Боб. Ҳарбий таъли соҳасида ёшларни мард ва жаъсур қилиб тарбиялашнинг технологияси (шакл, услуб ва механизмлари).....	
2.1. Ҳарбий таълим соҳасида ёшларда мардлик ва жасорат сифатларини шакллантирилганлик ҳолати	
2.2. Ҳарбий таълимнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти.....	
2.3. 2 Боб юзасидан хулосалар.....	
III. Ўқувчи-ёшларни мард ва жасур қилиб тарбиялаш юзасидан тажриба-синов ишлари мазмуни.....	
3.1. Тажриба синов ишларининг услублари ва натижалари.....	
3.2. Шакллантирувчи тажриба натижалари	
Хулоса ва тавсиялар.....	
Адабиётлар рўйхати.....	
Иловалар.....	

Ўқувчи-ёшларда мардлик ва жасорат сифатларини шакллантиришда ҳарбий таълимнинг роли

I. БОБ. Ўқувчи-ёшларда мардлик ва жасорат сифатларини шакллантиришнинг ҳозирги кундаги аҳамияти.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги ва равнақи кўп жihatдан миллий кадрларнинг тайёргарлик даражаси билан белгиланади. Айниқса мамлакатимизнинг эртанги кунни яратувчиси ёш авлодни истиқлол руҳида тарбиялаш ва уларда ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик ҳамда ҳарбий ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ва таркиб топтириш муаммолари ҳал қилиниши лозим бўлган энг долзарб масалалардан саналади. Шу боис, жамиятимизнинг олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳар тамонлама камол топган маънавий соғлом авлодга таълим – тарбия бериш ишини муваффақиятли олиб бориш ҳарбий педагогик кадрларнинг тайёргарлик даражасига бориб тақалади. Чунки, маънавий – ахлоқий юксак кишиларгина Ватан ҳимояси учун ҳар нарсага тайёр туради. Шунинг учун минг – минг йиллар ва асрлар олдин ҳам аجدодларимиз Ватанни эл – юртни ҳимоя қилиш йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишган, душманга қарши жангларда ўлимга тик боришган. Бундай инсонлар руҳидаги ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик эътиқодини нақадар юксак эканлигидан далолат беради.

Шундай экан, ҳозирги кунда ўқувчи-ёшларга мардлик ва жасорат туйғуларини сингдирган ҳолда ватанга нисбатан муҳаббатини ошириш, уларни ҳарбий таълимга тайёрлаб бориш муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Мардлик ва жасорат сифатларини шакллантириш мақсадида эса «Мардлик ва жасорат» дарслари умумтаълим мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларда таълим муассасалари ўқитувчилари ва ҳарбий хизматчилар томонидан ўтказилиб келинмоқда. Мазкур дарслар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ветеранлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий

ҳаракати ва жойлардаги Республика маънавият маркази вакиллари иштирокида ташкил этилади.

«Мардлик ва жасорат» дарсларининг асосий мақсади ўсиб келаётган ёш авлод қалбида Ватанга чексиз муҳаббат, Қуролли Кучларимиздан ғурурланиш ва ҳарбий хизматга нисбатан ҳурмат, улар онгида Ватан, ватанпарвар бўлиш, қаҳромонлик ва жасорат кўрсатиш каби юксак тушунчаларни шакллантиришдир.

«Мардлик ва жасорат» дарсларининг асосий мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

ўсиб келаётган ёш авлод онгида фаол ҳаётий позиция, ватанпарварлик ва Ватан тақдири учун қайғуриш каби тушунчаларни шакллантириш ва чуқурлаштириш;

миллий армиямизнинг мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, халқимизнинг тинчлиги ва бунёдкорона меҳнатини ҳимоя қилишни таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини тушунтириш ва етказиш;

халқимизнинг қаҳрамонона ўтмишига нисбатан чуқур ғурур ва ифтихор руҳини тарбиялаш, Ватан ҳимоясига ҳар доим тайёр туриш, Ватан ҳимояси йўлида қаҳромонлик ва мардлик намуналарини кўрсатган аждодлармизга нисбатан чуқур ҳурмат кўрсатиш руҳини тарбиялаш;

14 январь «Ватан ҳимоячилари куни» байрамининг моҳиятини чуқур очиб бериш, бу байрам нафақат ҳарбий хизматчилар, балки Ватан олдида ўз муқаддас бурчларини ўтаган, ҳарбий хизматдан қайтган ҳар бир ватандошимиз, шунингдек, ҳали келажакда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиши лозим бўлган барча ёш авлоднинг ҳам байрами эканлигини уқтириш;

ёшларни ҳарбий касбга йўналтириш, ҳарбий хизматчи касбининг мазмун моҳиятини ва унга қўйилган талабларни етказиш, ўсиб келаётган ёш авлод онгида келажакда ҳарбий касбни ўз хоҳишига кўра танлашни шакллантириш, ҳарбий касбни танлашда уларга кўмаклашиш.

«МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ» дарсларини ўтиш услубияти қуйидагича:

«Мардлик ва жасорат» дарсларини ташкил этиш ва ўтишга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш, машғулот раҳбарининг бевосита тайёргарлик кўриши, зарур тематик материалларни танлаб олиши, ўқув-моддий базани тайёрлаши, аудиториянинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда унга синчковлик билан тайёргалик кўришни ўз ичига олади.

«МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ» дарсларига тайёрганлик кўриш бўйича услубий тавсиялар

1. «Мардлик ва жасорат» дарслари таълим муассасаларда ташкил этилади ва ўтказилади.

2. Машғулотнинг пухта ва самарали бўлиши учун уни ташкил этувчилар олдиндан машғулот ўтиш жойи, машғулотга таклиф этилганлар рўйхати, ўқув-моддий базани тайёрлаб олиши зарур. Машғулотни ўтишда фойдаланадиган ахборот-маълумот материаллари, мультимедия материаллари, зарур адабиётлар ва ўқув қўлланмаларни олдиндан тайёрлаб олиниши шарт.

3. «Мардлик ва жасорат» дарслари таълим муассасалари ўқув-тарбиявий жараён хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бир ёки икки академик соат ҳажмида ўтказилиши тавсия этилади.

4. «Мардлик ва жасорат» дарсларининг самарадор бўлишлиги учун таълим муассасаларига яқин жойлашган ҳарбий қисм раҳбарияти билан ҳамкорликда унинг мавзуси, ўтиш жойи ва режасини тузиб ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

5. Дарсни ташкил этишдан олдин унинг мавзусини, машғулот раҳбарини, дарсда фойдаланиладиган поэтик, мусиқавий асарлар рўйхатини ҳамда ҳарбий ватанпарварлик руҳида суғорилган кино ва видеофильмларни тайёрлаб олиш зарур.

6. Дарсга меҳнат ва уруш ветеранларини, Қуролли кучлар фахрийларини, фан ва санъат арбобларини, «Камолот» ёшлар иштимойи ҳаракати вакилларини, муддатли ҳарбий хизматни, сафарбарлик чақирув резерви хизматини ўтаб қайтган, ҳамда ватандошларимизнинг кўрсатган бемисл қаҳромонликлари, мардлик ва жасоратлари, миллий армиямизда олиб

борилаётган ислоҳатлар, ҳарбий хизматчилар ҳаёти ва хизмати, ватан ҳимоячиларига давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлар ҳақида ўсиб келаётган ёш авлодга ҳикоя қилиб бера оладиган кишиларни таклиф этиш ва уларга сўз бериш зарур.

7. Дарсни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ташкил этиш ва унинг тараққиёти тўғрисида яратилган «Ўзбек модели» хужжатли фильмини намойиш қилиш билан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

8. Дарсни замонавий педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда интерактив усулларни қўллаган ҳолда ташкил этиш, ўқувчиларнинг доклад билан сўзга чиқишларига, ўзларининг қизиққан саволларига тўлиқ жавоб олишларига, сўзга чиқувчилар билан ўзаро суҳбат ва диалогга киришларига кенг имкон яратилиши лозим бўлади.

«МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ» дарсларини ўтиш бўйича услубий тавсиялар

Дарсга кириш, асосий ва якуний қисмдан иборат бўлади.

КИРИШ ҚИСМИ:

Машғулот раҳбари дарснинг мавзуси ва мақсадини эълон қилади, таклиф этилган меҳмонларни таништиради. Машғулот раҳбарининг кириш сўзи ўқувчиларда ижобий руҳий-ҳиссий ҳолатни, ватанпарварлик, тантанаворлик ҳиссини уйғотишни, мавзунинг долзарблигини, унинг ижтимоий ва шахсий аҳамиятини тушунтиришни назарда тутиши лозим. Машғулот раҳбари Ватан ҳимоячилари кунини ҳар йили умумхалқ байрами сифатида 14 январь куни нишонлаш бежиз эмаслиги, унинг муҳим анъанага айланганлиги ва тарихий аҳамият касб этишини эслатиб ўтади.

1992 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий қисм ва муассасалар, ҳарбий билим юртлари Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказилди. Қуролли Кучларнинг мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, халқимизнинг тинчлиги ва бунёдкорона меҳнатини ҳимоя

қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти, шунингдек 1992 йил 14 январда ҳарбий қисм ва муассасаларнинг давлатимиз тасарруфига ўтказилиши муносабати билан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 29 декабрдаги Қонунига биноан Республикамизда 14 январь Ватан ҳимоячилари куни деб эълон қилинди.

АСОСИЙ ҚИСМ:

Машғулотнинг асосий қисмини қуйидаги тематик бўлимлар асосида ташкиллаштириш тавсия этилади:

1. Аждодларимиз жасорати – мардлик сабоғи.
2. Миллий армиямиз тинчлик ва хавфсизлигимизнинг мустаҳкам кафолатидир.
3. Ҳарбий хизмат шарафли ва масъулиятли бурч.
4. Мустақил Ўзбекистон ҳимоячилари мангу ёдимизда.

ДАРСНИНГ БОРИШИ

Биринчи ўқув-тарбиявий вазият (йўналиш): “Аждодларимиз жасорати – мардлик сабоғи”.

Мазкур бўлимни баён этишда машғулот раҳбари тарихий мисоллар ёрдамида халқимизнинг қаҳрамонона ўтмишини ёритади. Ўз халқининг озодлиги ва она замин тинчлиги йўлида ўз жонини фидо қилган Широқ, Спитамен, Муқанна, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди ва бошқаларнинг ўчмас жасоратлари ҳақида ҳикоя қилади. Буюк соҳибқирон ва давлат арбоби, марказлашган давлат барпо қилган, ички зиддиятларга чек қўйган, заминимизда узоқ йиллар давомида тинчликни таъминлаган Амир Темурнинг тарихий меросига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Иккинчи ўқув-тарбиявий вазият (йўналиш): “Миллий армиямиз тинчлик ва хавфсизлигимизнинг мустаҳкам кафолатидир”. Ушбу саволни ёритишда миллий армиямизнинг мақсади, вазифалари, унинг миллий хавфсизлигимизни таъминлашдаги аҳамияти ҳақида тушунча берилади. Миллий армиямизнинг шаклланиши ва тараққиётининг асосий босқичлари, ривожинингшонли саҳифалари, Қуролли Кучлар тузилишининг ва

фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаси ҳақида маълумотлар етказилади. Бунда миллий армиямизнинг шаклланиши, ривожланиши ва ислоҳ қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони И.Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида амалга оширилаётганлигига тингловчиларнинг эътибори қаратилади. Видеоролик намойиши вақтида ҳарбий хизматчиларнинг кундалик фаолияти, миллий армиямиз ва ҳарбий хизматчиларнинг бугунги қиёфаси ҳақида сўзлаб берилади.

Учинчи ўқув-тарбиявий вазият (йўналиш): “Ҳарбий хизмат шарафли ва масъулиятли бурч”.

Машғулот раҳбари қуйидагилар ёритилган тақдимотни намойиш қилади:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фуқароларнинг Ватан ҳимояси бўйича бурч ва мажбуриятлари ҳақидаги моддалари мазмуни;

Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизматни ўташ тартибини белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий база;

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига бериладиган имтиёзлар;

Ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизими, унда олий ҳарбий таълим муассасалари ва сержантлар тайёрлаш мактабларининг ўрни.

Бундан ташқари, бугун мамлакат Қуролли Кучлари сафида хизматни ўташ шубҳасиз Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституцион бурчи ва мажбурияти бўлибгина қолмай, энг шарафли касблардан бирига айланганлигини таъкидлаб ўтади. Бунинг исботи сифатида сўнгги йилларда Қуролли Кучларни муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари билан тўлдириш конкурс асосида амалга оширилаётганлигини айтиб ўтиш муҳим аҳамиятга эга. Армияга келаётган ёшлар нафақат ҳарбий мутахассисликларни эгаллайдилар, балки жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқадилар, характери ва қатъий ҳаётий позицияси шаклланади, Ватан ҳимоясига тайёрланади.

Тўртинчи ўқув-тарбиявий вазият (йўналиш): “Мустақил Ўзбекистон ҳимоячилари мангу ёдимизда”.

Машғулот раҳбари мазкур бўлимни ҳозирги нотинч ва таҳликали даврда яшаётганлигимиз, бундай шароитда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро ва фуқаролар ўртасидаги тотувлик бебаҳо бойлик эканлигини эслатишдан бошлаши лозим. Ватанимиз душманларининг йўлини ўзларининг ҳаёти эвазига тўсган, террорист ва экстремистларнинг ёвуз режаларининг амалга ошишига йўл бермаган замондошларимизнинг жасорати ва қаҳрамонлиги ҳақида эслатиб ўтади.

Машғулотнинг мазкур босқичида раҳбар заминимиздаги тинчлик йўлида ўз жонини фидо қилган ватандошларимизни бир дақиқалик сукут сақлаш билан хотирлаш ҳақида аудиторияга мурожаат қилади.

Яқуний қисм:

Машғулот раҳбари яқун ясар экан, Ватан ҳимояси ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ва мажбурияти эканлигини эслатади, мардонавор тарихимизнинг муҳим саҳифаларини унутмаслигимиз, буюк аждодларимизнинг жасоратларига содиқ қолишимиз зарурлигини таъкидлайди. Машғулот раҳбари барча иштирокчилар номидан ҳозирги ёш авлод халқимизнинг мардонавор тарихий меросига содиқ бўлиши, ўз тарихий ўтмиши, буюк аждодлари билан фахрланиши, Ватан чақириғига асосан уни ҳимоя қилишга доим шай туриши лозимлиги, зарур бўлса заминимиз тинчлиги ва осойишталиги учун жонини фидо қилишга тайёр бўлиши кераклигини таъкидлаши лозим.

Айтиб ўтилган фикрларни жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида 14 январь нафақат ҳарбий хизматчиларнинг байрами сифатида нишонланиши, балки Ватан олдида ўз бурчини адо этиб келган ватандошларимизнинг, эртага армияда хизмат қилишга шай турган ёшавлоднинг шонли байрами сифатида Мустақиллик куни сингари юксак савияда кенг нишонланиши тарғиб қилиниши лозимлиги таъкидланади.

1.1. Шарқ алломалари асарларида мардлик ва жасорат сифатларини ёритилганлиги масаласи муаммо сифатида.

Республикамизнинг бугунги ривожланиш жараёнида мустақил ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлидан бораётган давлатимиз учун баркамол авлод тарбияси устувор сиёсат даражасига кўтарилди. Бунда ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда халқимизнинг асрлар давомида яратган бой илмий, маънавий, ахлоқий мероси, мутафаккирлар ва алломаларимиз қолдирган кўплаб илмий асарлар, кашфиётлар, умрбоқий кадриятлар ва анъаналардан фойдаланиш муҳимдир. Буюк аждодларимизнинг математика, физика, кимё, астрономия, этнография, тиббиёт, тарих, адабиёт, ахлоқ, фалсафа каби кўплаб соҳаларга оид асарлари, мамлакатимизнинг турли тарихий шаҳарларида топилган асори-атиқалари бутун жаҳоннинг бебаҳо мулки ҳисобланади.

Бу борада ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари ижоди етакчи ўрин эгаллайди дейишга бугунги кунда асос бор. Жумладан, алгебра фанига асос солган Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий, астрономия фани асосларини яратган Аҳмад Фарғоний, ўрта асрларда Шарқ илм-фанига улкан ҳисса қўшган Маъмун академияси ташкилотчиси ва раҳбари Абу Райҳон Бериунининг 150 дан ортиқ фанларнинг турли соҳалари бўйича яратган илмий асарлари нафақат ўз даври, балки бугунги кунда юксак технологиялар асри учун ҳам зарур бўлган кашфиётларни тақдим этди. Шунингдек ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларидан аждодларимиз Амур Темур, Қозизода Румий, Али Қушчи, Рудакий, Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа жуда кўплаб алломалар, мутафаккирлар ва буюк файласуфлар, шоир, ёзувчи ва маърифатпарварлар нафақат илм-фанда ўз кашфиётлари, билимлари билангина эмас, балки таълим-тарбияга оид ўз тадқиқотлари, изланишлари, қарашлари билан ҳам танилган. Биз яна кўплаб ўрта асрлар Шарқ алломаларининг буюк илмий мерослари ҳақида тўхталишимиз мумкин, лекин конференция давомида ўша давр Шарқ алломалари ва мутафаккирлари

ижоди тўғрисида анжуман иштирокчиларининг чиқишларини ҳисобга олган ҳолда биз ёритмоқчи бўлган масалаларнинг асосий жиҳатларига эътиборни қаратмоқчимиз.

Бугун ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор қаратмайдиган ва бу йўлда ўзининг тарихий, маданий, ахлоқий меросини асраб-авайлашга, уларни бойитишга ва кўпайтиришга муносабат билдирмайдиган ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашувиغا, фуқаролик позициясига эга бўлган шахсни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган ҳар қандай давлат, жамият тарих ҳамда тараққиёт йўлидан четда қолиб кетиши мумкин. Шу нуқтаи-назардан қаралганда биринчи навбатда ўтмиш аждодларимизнинг миллий меросимизни, айниқса ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашга қаратилган бой тажрибаларини, ушбу масалага бағишланган асарларини, қарашларини чуқур ўрганиш ва улардан бугунги кунда самарали фойдаланиш имкониятини кўрсатиб бериш ўта зарур муаммолардан ҳисобланади. Бу ўринда ўрта асрлар Шарқ уйғониш даврининг икки босқичида, яъни IX-XIV асрлар (биринчи босқич) ва XIV асрнинг иккинчи ярми ҳамда XV асрларда (иккинчи босқич) яшаб ижод этган муттафаккир ва алломалар ижодига назар ташлаб ўтиш мумкин.

Ўз даврининг йирик олимлари илмий меросларида инсоннинг ақлий, жисмоний, эстетик, руҳий, ахлоқий такомилли масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Муҳаммад ал-Хоразмий (783-850) инсоннинг камолга етиши ва инсоний муносабатларни йўлга қўйишда илм-фаннинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги ғояни илгари сургани билан педагогик фикр тараққиётида муносиб ўрин эгаллайди. Муҳаммад ал-Хоразмий ўз илмий мероси билан билиш назариясига улкан ҳиссасини қўшди. Ўзининг “Ал китоб ал-мухтасар фи-ҳисоб ал-жабр ва ва-л-муқобала” асарида сонли квадрат ва чизиқли тенгламалар, уларнинг ечиш йўллари баён этди. Ал-Хоразмий математика фанида абстракция тушунчасини кенгайтди. У

индукция йўли билан умумий ечиш усулларини, дедукция йўли билан умумий усуллар ёрдамида хусусий масалаларни ечади. Олим “Ал-жабр ва-л-муқобала” асари билан ҳам математика фанини ривожлантириб, ўзидан олдинги билимларни ўрганди ва уларни синтезлаштирди ҳамда амалда қўллаш усулларини баён этди.

Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари орасида Абу Наср Форобий (873-950) мероси ва унинг инсон камолоти ҳақидаги таълимоти таълим-тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга. У 70 дан ортиқ тилни билган ва 160 дан ортиқ илмий асар яратган бўлиб, уни Шарқда Арастудан кейинги “Муаллими соний” – “Иккинчи муаллим” деб атаганлар.

Форобийнинг “Фозил одамлар шахри”, “Бахт-саодатга эришув тўғрисида”, “Ихсо ал-улум”, “Илмларнинг келиб чиқиши”, “Ақл маънолари тўғрисида” асарларида таълим-тарбия борасидаги қарашлари ўз ифодасини топган. У ўз ишларида таълим-тарбиянинг узвий биргаликда амалга ошириш тўғрисида гапирар экан, аммо ҳар бирининг инсон камолотга эришувида ўз ўрни бор, деб ҳисоблайди. Мутаффакир инсон камолотида ўзаро муносабатларнинг, айниқса, ўқитувчининг роли муҳимдир дейди. Демак, Форобий таълим-тарбиянинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат деб ҳисоблайди. Форобий таълим-тарбияга биринчи марта таъриф берган олимдир. Форобий “Муסיқа ҳақида катта китоб” деган кўп жилдли китоби билан ўрта асрнинг йирик муסיқашуноси сифатида ҳам машҳур бўлган.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) қомусий олим сифатида жуда кўплаб асарлари билан машҳур бўлган алломадир. У барча иллатларнинг асосий сабабчиси илмсизликдан деб билади. Илмни эгаллашда шахсда интилиш, қизиқиш ва муҳитнинг роли муҳимдир, дейди. Беруний инсон камолотида ахлоқий тарбиянинг ўрнига алоҳида эътибор берган ҳолда “Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Минералогия”, “Китоб-ас-Сайдана”, “Ал-Қонуни ал-Маъсудий”, “Геодезия” каби асарларида бу

қарашлар ўз аксини топганини кўрамыз. Инсонни ахлоқий камолотга етиш муаммоси унинг бутун таълим-тарбия тизимида марказий ўрин эгаллайди.

Беруний илмий меросини, таълим-тарбияга оид қарашларини чуқур ўрганар эканмиз, унинг комил инсонни шакллантиришга оид фикрлари нафақат ўз замонаси учун, балки ҳозирги давр таълим-тарбия ишларини такомиллаштиришда ҳам катта аҳамият касб этади.

Марказий Осиёда яшаб ўтган, ижод қилган жаҳонга танилган олиму-фузалолар, халқни бошқарган юртбошилар, валийларнинг бир ўхшаш томонлари бўлган: ҳаммасининг устозлари (пирлари) бўлиб, албатта улардан дуо олиб, буюк ишларга кўл урганлар. Амир Темур ҳам бундан мустасно эмас. Буюк бобомиз пири Саид Бараканинг дуо фотиҳаларидан сўнг Мовороуннахрнинг амири деб эълон қилинган (771 йил 10-рамазон. 1369 йил 8-апрель).

Тарих фанлари доктори, профессор Ашраф Аҳмад Амир Темурнинг ўзи амал қилган қуйидаги шахс сифатларини таърифлайди ва биз улардан баркамол шахс шакллантиришимизда, миллий тарбиямизда фойдалансак мақсадга мувофиқ бўлади:

1-сифат: “Мен сифатларимнинг энг аввали деб беғаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил: жиддий ва одил қарадим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмасдим, бойни камбағалдан устун қўймасдим”. Инсонпарварлик, демократик, миллий тарбия нуқтаи-назаридан қараб, мазкур сифатни тарбиячининг, ўқитувчининг ўқувчиларни бор холича (нуқсонлари бўлса, билиб туриб ҳам) қабул қилиши, уларга меҳр-муҳаббат улашиши зарурлиги тушуниш мумкин.

2-сифат: “Мен камбағалларга кўп ҳайр-эҳсон қилдим. Ҳар можаро ва муаммони диққат билан текширдим ва уни мумкин қадар тўғри ҳал қилишга бутун шаҳдимни сарф қилдим”. Миллий тарбия ҳар бир ўқувчи билан ҳам индивидуал ҳам гуруҳий ишлашни тақозо этади. Ўқитувчининг меҳнати самараси ҳар доим ҳам тез орада кўринавермайди. Сабр-тоқат, чидамлилиқ билан ўқувчининг келажагига оптимистик умид боғлаб, унинг билан тизимли

ишлашда давом этиш зарур. Миллий таълим-тарбия жараёнларига айниқса, инновацион технологияларнинг жорий этилиши, ҳар бир ўқувчининг индивидуал имкониятларини очиб беришга хизмат қилади, билим, кўникма, малакалар билан бойитади.

3-сифат: “Ҳалойиққа раҳм қилдим, барчага наф еткурдим. Бунда бировга ноҳақ озор етказмадим ва мендан ёрдам сўраб келганларни кўкрагидан итармадим”. Миллий тарбияда ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш, унга кечиримли муносабатда бўлиш, ўқитувчининг оғир-босиқлиги, асабларини бошқариб олганлиги кадрланади. Ўқитувчининг салбий ҳис-туйғуларга берилиши, дарсларининг сифатсизлиги кечириб бўлмайдиган ҳол. Ҳамма таълим-тарбия жараёнлари марказида ўқувчиларнинг қизиқишлари, манфаатлари туриши давр талаби.

4-сифат: “Барча сўзларимда доим ҳақиқатгўйликка амал қилдим. Бу дунё ва у дунё ҳақидаги эшитганларимдаги ҳақиқатни ёлғондан ажрата билдим”. Миллий тарбияда ўқитувчи ўз шахси намунаси, хатти-ҳаракати, гап-сўзи билан ўқувчилар ўртасидаги ҳақиқатгўйлик кафолати бўлмоғи зарур. Шундагина ташаббускор, интилувчан, тадбирли, кўрқмас фуқарони шакллантира оламиз.

5-сифат: “Мен ҳар кимгаки, ваъда берсам унга вафо қилдим. Ҳаргиз ваъдага ҳилоф иш қилмадим. Мен доимо ваъдаларимни аниқ бажарсам, шундагина одил бўлишимни ва кимсага жабр етказмаслигимни англадим”. Қатъиятлилик, интизомлилик, тартиблилик, ҳар бир сўзини ўйлаб гапиришлилик баркамол авлоднинг базавий сифатларидандир. Миллий тарбияда сўз ва иш бирлиги кадрланади. Бу сифатларни шакллантириш эса, ўз навбатида тушунтириш, шарҳлаб бериш, эмоция-ҳиссиётга таъсир этиш ва қолаверса, ўқитувчининг шахсий намунаси билан амалга оширилади. Ўқитувчи сўзда ҳам ишида ҳам авваламбор, ўзи намуна кўрсатмоғи даркор.

6-сифат: “Мен ҳар доим инсоф байроғини баланд кўтардим ва иймон тарқатишни ўз буюклигимнинг қудратли замини деб билдим. Мен инсон бир онадан туғилган деб ишонганман. Шунинг учун мустаҳкам қудратга таянган

кудрат, буюк бўлади”. Миллий тарбияда маънавий етук фуқаро тарбияси интегратив (жамловчилик) хусусиятга эга. Педагогика дарсликлариди тарбия тизими, турлари алоҳида-алоҳида битилган билан аслида, объектив ундай эмас. Тарбия турларини айрим-айрим ҳолатда, бир-бири билан боғланмаган ҳолда амалга ошириб бўлмайди. Бир тарбия турини амалга оширишда хоҳлаймизми, йўқми бошқа тарбия турларига ҳам мурожаат қилишга, улар билан узвий боғланишга мажбур бўламиз. Ана шу маънода маънавий етук шахс тарбияси, эътиқод, ишонч, илмий дунёқараш маъносини беради. Ҳамма тарбия турлари миллий мустақиллик эътиқоди, ишончи байроғи атрофида бирлашиши керак. Миллий мустақиллик ғояси – бу қудратли кучдир.

7-сифат: “Мен доим саидларга эҳтиром билан қарардим, уламо ва шайхларни эъзозлардим. Бу кишиларни доимо мажлисларимга чақирардим.... Шунинг учун менга нисбатан халқнинг меҳри баланд эди ва ҳамма мендан миннатдор эди”. Инсонпарварлик, демократик, миллий тарбия ҳар доим ҳам ўқувчилар жамоасидан лидерларни аниқлаш, педагогик диагностика қилишни, уларни авайлаб-асраб ривожлантиришни тақозо этади. Педагогик тадқиқотларнинг натижаларига кўра, лидерлик биогенетик асосларга эга ва ҳар қандай одамдан ҳам лидер чиқариб бўлмайди. Ўқитувчи миллий тарбиямиз анъаналарига кўра, лидерлик имкониятларига эга ўқувчиларни аниқлаши, уларга индивидуал ёндашиши, ўстириб-ривожлантириши, ўзини том маънода рўёбга чиқаришларига ёрдам бериши керак. Лидерлар – бу келажакда жамиятда буюкликка йўналтирувчи, етакчи куч эканлигини, улардан жамият манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш лозимлигини ўқитувчи англаб етиши даркор.

Ўзбекни жаҳондаги етакчи миллатлар қаторига кўтаришда Амир Темурнинг хизматлари, саъй-хҳракатлари беқиёс. Буюк бобомиз жуда кўп ҳозирги авлод учун намуна бўладиган шахс сифатларига эга бўлганлар. Тадқиқотимизда ана ўшалардан айримларинигина намуна сифатида тасниф қилдик, холос. Қолган, янада педагогик қадрли бўлган шахс сифатларини

ўрганиш, амалиётга тадбиқ этиш йўлида, иқтидорли талабаларимизга оқ йўл
тилаймиз.

1.2. Ёшларимиздаги мардлик ва жасорат сифатларининг замонавий ҳолати

Мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида “Мардлик ва жасорат дарслари” ташкил этилди. Инсон бахти ва иқболи учун зарур моддий ва маънавий неъматларнинг асоси тинчликдир. Бироқ тинчлик ва тараққиёт, фаровонлик ва ободлик ўз-ўзидан бўлмайди. Бу неъматларнинг барқарор бўлиши учун эзгу мақсадларда собитқадамлик, тинчликнинг маъно-мазмунини бойитиш, бутун халқни, айниқса, ёшларни осуда ҳаёт кадрига етиб яшаш руҳида тарбиялаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида ўтказилган Ҳарбий ватанпарварлик ойлиги ва ойлик доирасида ташкил этилган “Мардлик ва жасорат дарслари” шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бугун ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган давлат сиёсатида аввало ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш устувор аҳамият касб этади. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида таъкидлаганидек, миллий армиямизни шакллантириш ва ислоҳ қилиш жараёнида тўпланган тажрибани барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар, чақириқ ёшига етмаган ўғлонларимиз ўртасида ҳар томонлама тарғиб қилиш ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил этишда кенг қўллаш муҳим йўналишлардан биридир.

Ойлик доирасида ўтказилган оммавий-ватанпарварлик тадбирларида бу жиҳатларга алоҳида эътибор берилди, – дейди Халқ таълими вазирлигининг маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳикматилла Даминов. – Вазирлик томонидан ишлаб чиқилган “Ватан – улуғ, бурчим муқаддас!” номли услубий тавсия, “Тинчлик учун курашмоқ керак” номли мардлик ва жасорат дарсларини ўтиш бўйича дарс ишланмаси ойлик самарадорлигини оширишга ҳисса қўшди.

Ойлик доирасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий округ ва гарнизонлари билан ҳамкорликда ҳарбий қисм ва ҳарбий ўқув муассасаларига умумтаълим мактаблари ўқувчиларнинг экскурсиялари ташкил қилинди. Ўқувчилар пойтахтимиздаги Қуролли кучлар Давлат музейига келиб, она юрт ҳимояси муқаддас бурч экани, аجدодларимиз кўрсатган мардлик ва жасорат, Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида билим ва тушунчаларини янада бойитди.

Ойлик давомида “Аждодлар қаҳрамонлиги – ёшларга ибрат” мавзусида 2-4-синфларда диктант, 5-7-синфларда баён ва 8-9-синфларда иншо танловлари ўтказилди. Таълим масканлари Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган шиор ва плакатлар билан безатилди. Мамлакатимиз мудофаа салоҳияти акс эттирилган деворий газеталар тайёрланди. “Ватанимиз келажagini қуришга барчамиз масъулмиз”, “Аждодлар қаҳрамонлиги – ёшларга ибрат” мавзуларида тарбиявий соатлар ўтказилди. “Миллий армиямиз – ғуруримиз, ифтихоримиз”, “Менинг армиям – менинг фахрим”, “Ватан ҳимояси – муқаддас бурч”, “Ҳарбий хизмат – мардлик, чиниқиш, тобланиш мактаби”, “Она юртни мард ўғлонлар қўриқлайди”, “Ўзбек йигити – мустақиллик посбони” каби мавзуларда соҳа мутахассислари иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилди.

Ҳарбийлар, фахрийлар, ёзувчи ва шоирлар иштирокида умумтаълим мактабларида ўтказилган “Мардлик ва жасорат дарслари”да ёшларга мустақилликнинг моҳияти, Ватан ягоналиги, уни ҳимоя қилиш, бойликларини асраб-авайлаш шарафли бурч эканини англаштишга эътибор қаратилди. Уларга мамлакатимиздаги фаровон ҳаёт, тинчлик ва хотиржамликнинг замирида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат мужассам экани, аскар ва офицерларимизнинг туну кун Ватан олдидаги фарзандлик бурчини сидқидилдан бажараётгани ҳаётий мисоллар орқали сўзлаб берилди. – Дарс давомида Ватанимизнинг мард ва жасур посбонларига ҳавасим ортди,

– дейди пойтахтимиздаги 300-давлат ихтисослаштирилган мактабининг 4-синф ўқувчиси Абдувоҳид Собиров. – Келажакда мен ҳам аскар бўлишни дилимга тугдим. ...Шу куни келажакимиз давомчилари бўлган минглаб ёшлар калбида бўлғуси Ватан ҳимоячиси эканидан ғурурланиш туйғуси шаклланди. Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлиги учун масъуллик, ҳаётимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига дахлдорлик ҳисси уйғонди. Зеро, тинчлик ҳукмрон юртдагина инсон буюк ва эзгу орзуларни кўнглига тугиши, уларнинг ушалишидан қалби қувончга тўлиши, ўз иқтидори, қобилияти ва салоҳиятини тўла намойиш этиши мумкин. Ватани тинч, кўнгли хотиржам халққа тўй-тантаналар, шодлик ва хурсандлик ярашади, ахиллик ва тотувлик, қут ва барака ҳамдам бўлади.

1.3. Боб бўйича хулоса

Ҳозирги кунда ўқувчи-ёшларда мардлик ва жасорат сифатларини шакллантириш мақсадида «Мардлик ва жасорат» дарслари умумтаълим мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларда таълим муассасалари ўқитувчилари ва ҳарбий хизматчилар томонидан ўтказилиб келинмоқда. Мазкур дарслар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ветеранлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва жойлардаги Республика маънавият маркази вакиллари иштирокида ташкил этилади.

Бу дарсларининг асосий мақсади ўсиб келаётган ёш авлод қалбида Ватанга чексиз муҳаббат, Қуролли Кучларимиздан ғурурланиш ва ҳарбий хизматга нисбатан ҳурмат, улар онгида Ватан, ватанпарвар бўлиш, қаҳромонлик ва жасорат кўрсатиш каби юксак тушунчаларни шакллантиришдир.

Машғулотлар дасрга кириш, асосий ва якуний қисмлардан иборат бўлади.

“Мардлик ва жасорат” дарсларида ёшларимизга буюк бобокалонларимизнинг бой меъросини кўрсатиб, шу меъросни асраб авайлаш кераклигини таъкидлашимиз зарур. Зеъро Республикаимизнинг бугунги ривожланиш жараёнида мустақил ҳуқуқий-демократик жамият куриш йўлидан бораётган давлатимиз учун баркамол авлод тарбияси устувор сиёсат даражасига кўтарилди. Бунда ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда халқимизнинг асрлар давомида яратган бой илмий, маънавий, ахлоқий мероси, мутафаккирлар ва алломаларимиз қолдирган кўплаб илмий асарлар, кашфиётлар, умрбоқий қадриятлар ва анъаналардан фойдаланиш муҳимдир. Буюк аждодларимизнинг математика, физика, кимё, астрономия, этнография, тиббиёт, тарих, адабиёт, ахлоқ, фалсафа каби кўплаб соҳаларга оид асарлари, мамлакатимизнинг турли тарихий шаҳарларида топилган асори-атиқалари бутун жаҳоннинг бебаҳо мулки ҳисобланади.

II. БОБ. ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЁШЛАРНИ МАРД ВА ЖАСУР ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШНИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИ (ШАКЛ, УСЛУБ ВА МЕХАНИЗМИЛАРИ)

Ватанни севиш ва уни ҳимоя қилиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган энг олий туйғу ва энг муқаддас бурчдир. Халқимиз Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг йигирма уч йиллигини катта тантаналар билан нишонлаш арафасида турган фарахбахш онларда ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг хаёлидан шундай ўйлар ўтиши табиий.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 9 декабрдаги «Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Фармойишига асосан мамлакатимиз миқёсида «Ватан – улуғ, бурчим муқаддас» шиори остида байрамга бағишланган тадбирлар кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

Шундай кезларда фуқароларимиз, айниқса ёш авлод руҳиятидаги байрамона кайфиятни кўриб, Ватан ҳимоячилари куни энг азиз, улуғ айём – Мустақиллик байрами каби халқимиз қалбидан чуқур жой олганини яна бир бор ҳис қиламиз. Бугун Ўзбекистон Қуролли Кучларининг мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчига, ҳарбий хизматнинг ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик, чиниқиш ва тобланиш мактабига айлангани замирида миллий армиямизни ташкил этиш ва уни шакллантиришга доир қонуний меъёрларнинг ҳаётда ўз амалий ижросини топганлиги билан боғлиқ ҳақиқат мужассам эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Давлатимиз мустақиллиги эълон қилинган илк кунларданоқ, яъни 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонуни билан Республикаимизнинг Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ва ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлиги расман

белгилаб қўйилди ҳамда 1991 йил 6 сентябрда Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида»ги Фармони имзоланди. Бу билан миллий армиямизни тузиш, ислоҳ қилиш, замон талаблари даражасида шакллантиришнинг бирламчи ҳуқуқий пойдевори яратилди.

1992 йил 14 январдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори билан мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий тузилмалар Республика тасарруфига олинди. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 29 декабрдаги қонуни билан 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни этиб белгиланди.

Қуролли Кучларимиз ташкил этилиши ва тузилишининг, шунингдек давлатимиз мудофаасининг асослари ва мақсади, давлат ва маҳаллий бошқарув идораларининг мудофаа қобилятини таъминлаш борасидаги ишларни йўлга қўйиш, бошқаришдаги вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳуқуқий асосларини белгиловчи қонун ҳужжатлари ҳақида кўплаб сўз юритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги, «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунлар ва бу соҳадаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бугун мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни, фаровонлик ва хавфсизликни таъминлашнинг ягона ва яхлит тизими ишлаб туришида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

2002 йил 12 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун билан муддатли ҳарбий хизмат муддати календарь ҳисобида ўн икки ой (олий маълумотли шахслар учун – тўққиз ой) қилиб белгиланиши, ўз навбатида Юртбошимизнинг 2008

йил 20 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан фуқароларимизни муддатли ҳарбий хизматга йилига бир мартаба, яъни февраль-март ойларида чақириш ва белгиланган муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни март-апрель ойларида Қуролли Кучлар захирасига бўшатиш тартиби жорий этилиши муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитлари, кўшинларнинг жанговар ва маънавий-маърифий ҳамда сафарбарлик жиҳатдан тайёргарлиги борасидаги фаолиятни сифатли ташкиллаштириш ва амалга ошириш ишларини янада юқори поғонага кўтарди.

Ҳарбий хизматчилар учун яратилган имтиёзлар эса ҳар бир Ватан ҳимоячисининг юрагидаги фахр ва ифтихор туйғусини янада кучайтиради. Айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 31 майдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқароларга барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалаврлар тайёрлашда республиканинг барча олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг 27 фоизи миқдорда кўшимча балл шаклидаги имтиёз белгиланиши, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 31 октябрдаги Қарори билан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабаларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари фаолиятида фаол иштирок этган тақдирда контракт суммасининг 35 фоизи моддий ёрдам тариқасида тўлаб берилиши жорий қилингани ҳарбий хизмат шарафи ва нуфузини янада оширди.

Қайд этиш жоиз, замоннинг ўзи олдимизга қўяётган мураккаб вазифаларни ҳал этишда, юртимиз тинчлиги, осойишталигини барқарор сақлашда, мудофаа салоҳиятимизни ошириш ва мустаҳкамлашда чуқур билим ва кўникмага эга бўлган, замонавий фикрлайдиган, профессионал ва

интеллектуал етук офицерларни, юксак малакали сержантларни тарбиялаш устувор мақсадларимиздандир.

Бугун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий тиббиёт факультети, шунингдек ҳарбий округлар сержантлар тайёрлаш мактаблари давлатимизда офицер ва сержант кадрларни узлуксиз тайёрлаш тизимининг мукамал ва юксак савияда ишлаб туришига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 3 мартдаги Қарори билан ташкил этилган Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг Васийлик кенгаши мазкур олий ҳарбий таълим муассасаси ўқув-моддий техник базасини ривожлантириш, курсантлар – бўлғуси офицерларда ватанпарварлик, бурчга садоқат, етакчилик, маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш, уларда кенг дунёқарашни, мантиқий фикрлашни, юксак маънавият ва маданиятни шакллантириш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш бўйича таълим ва тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, бу борада юртимиздаги нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек билим юрти профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш, илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш, таълим ва илмий йўналишдаги ютуқларни тарғиб қилиш бўйича кенг миқёсли фаолият олиб борилмоқда.

Қонунчилигимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини белгиланган ижтимоий меъёрлар асосида хизмат турар жойлари билан таъминлаш, шунингдек уларга қонуний асослар мавжуд бўлганда хизмат турар жойини хусусийлаштириш, уй-жой қуриш учун ер участкаси ёки хонадон сотиб олиш учун ипотека кредитлар бериш, турар жойни ижарага олганлик учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш каби қатор ижтимоий

химояга доир юридик нормалар белгиланган бўлиб, амалда ижроси таъминлаб келинмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 14 январдаги Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида»ги ва 2007 йил 14 сентябрдаги Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисида»ги Низомлар, 2005 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2005 йил 19 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 июлдаги Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисида»ги Низомлар асосан шулар жумласидандир.

Бугун бу соҳадаги устувор вазифаларнинг ижросини ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун бунёд этилаётган замонавий турар жой бинолари, қисм ва бўлинмалардаги ётоқхоналар, барча қулайликларга эга бўлган ҳарбий шаҳарчалар мисолида яққол кўришимиз мумкин. Биргина Мудофаа вазирлиги тизимида ўтган 2014 йил давомида 2 та кўп хонадонли хизмат турар жойи биноси фойдаланишга топширилган. Шу билан бирга, ҳарбий хизматчилар учун 394 та турар жой иккиламчи бозордан сотиб олинган бўлса, Тошкент вилоятининг ўзида 232 нафар ҳарбий хизматчини намунавий лойиҳалар асосида қурилган янги уй-жойлар билан

таъминлаш учун дастлабки бадал пуллари вазирлик томонидан тўлаб берилган. Бу ҳам Ватан ҳимоячилари ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимояси амалда изчиллик билан таъминлаб келинаётганининг яққол исботидир.

Президентимиз ташаббуси билан 2012 йил 24 октябрда Мудофаа вазирлиги ҳузурида ташкил қилинган Жамоатчилик Кенгаши томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Миллий армиямизни такомиллаштириш борасидаги ислохотлар мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, армия сафларида хизмат қилаётган ва ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларида Жамоатчилик Кенгашининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Қуролли Кучларимиз тизимидаги ислохотларни амалга ошириш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда улар оила аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш, қонунга итоаткор ва ҳуқуқий маданияти юксак профессионал кадрларни шакллантириш, кўшин турларининг жанговар тайёргарлиги, сергаклиги ва доимий шайлигини мунтазам ошириб бориш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда бу борадаги қонун ҳужжатларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси органлари томонидан Қуролли Кучларда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасида доимий равишда чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ҳарбий прокуратура органлари томонидан ўтган йилда «Соғлом бола йили» Давлат дастури талаблари доирасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ёш авлодни ватанпарварлик ва Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан тарбиялаш мақсадида умумий, ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасаларига, айниқса меҳрибонлик уйларига ташрифлар уюштирилиб, ўқувчилар билан миллий армиямиз қудрати ва нуфузини, Ватанга садоқат ва

фидойиликни мадҳ этувчи мавзуларда ҳуқуқий соатлар, кўплаб учрашув ва суҳбатлар ташкил этилди.

Устувор вазифалардан бири бўлган аҳоли бандлигига кўмаклашиш борасида ҳам ҳарбий прокуратура органлари томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилиб, маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда 2014 йил давомида жами 43 мартаба бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари ташкиллаштирилди ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларидан 190 нафарининг иш билан таъминланишига эришилди.

Юқоридаги сингари саъй-ҳаракатлар ҳарбий прокуратура органлари томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили»да ҳам жадаллик билан давом эттирилади. 2015 йилда Қуролли Кучлар фахрийлари ҳамда улар оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазасини янада мустаҳкамлаш тадбирларини амалда кучайтириш масаласи олдимизда турган устувор вазифалардан бўлиб қолади.

Бугунги глобаллашув шароитида, дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган ички урушлар, қарама-қаршилик ва можаролар, турли террористик хуружлар халқаро хавфсизликка жиддий таҳдид солиб турган бир пайтда давлатимиз хавфсизлигини, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, доимо огоҳ ва ҳушёр яшаш муҳим вазифамиз эканини, тинчлигимизга бўлган таҳдид, хавф-хатарларни ўрганиб, таҳлил этиш асосида Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини янада юксалтириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар самарасига ҳар биримиз дахлдор эканимизни ёддан чиқармаслигимиз зарур.

Шу асосда ҳарбий прокуратура органлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган қатор амалий ишлар ва қонунчилик тарғиботи тадбирлари натижасида ўтган йилларда Қуролли Кучларимизда ҳарбий интизомнинг янада мустаҳкамланишига эришиш билан бир қаторда, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш,

ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш борасида кенг миқёсли ижобий ишлар амалга оширилиб, қўшинларда қонун устуворлиги доимий таъминланмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азиз юртдошларимизни Ватан ҳимоячилари куни билан самимий қутлаб, она юртга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишдек шон-шараф ва масъулият барчамизни эзгу ва хайрли ишларга доимо руҳлантириб туришини тилаб қоламан.

2.1. Ҳарбий таълим соҳасида ёшларда мардлик ва жасорат сифатларини шакллантирилганлик ҳолати

Ўзбекистон республикаси мустақилликдан кейин ҳукуматнинг барча ички ва ташқи сиёсати, ислохотларнинг биринчи босқичида олиб борган оламшумул сиёсати ва иккинчи босқичда амалга ошираётган тарихий умумбашарий ишлари туфайли бутун дунёга танилди ва тан олинди. Бу ўзбек халқининг миллий ғуруридир. Ижтимоий ҳаётимизни ислох қилиш ва янгилаш бошлаб кетилганлиги боис маънавий маданиятнинг қудратли қатламлари очилди. Улар халқ руҳиятини ватанпарварлик, миллий ифтихор, бутун дунё учун бағрикенглик томон кескин ўзгартириб юборди.

Миллий ғурур хақида фикр юритар эканмиз, аввало ғурур нима? Сўнгра миллий ғурур мазмуни қандай? Деган саволларга тўхталиш зарур. Чунки, миллий ғурурни таркиб топтириш ва тарбиялаш каби педагогик психологик муаммони хал қилиш зикр қилинган сўз ва сўз бирикмалари маъноси билан бевосита боғлиқдир.

Ғурур сўзи фахр, ифтихор, фахрланиш, мағрур, қувонч, қувониш каби маъноларни англатади.

Миллий ғурур муаян миллатнинг тарихий ўтмишидан, миллий қадриятларидан, жaxon миқийёсида асрлар оша тан олиниб келинаётган фан, дин, адабиёт, санъат ва маданият ютуқлари ҳамда уларни яратган даҳолардан, тарихий обида ва ёдгорликлардан, миллий урф одатларию анъаналаридан, она ватанидан, доно халқидан, Ватанининг гҳзал ўтмиши ва бугунидан миллий халқ қахрамонларидан фахрланиш ва ифтихор қилиш туйғусидир.

Ғурур ўзини ўзи англаш, миллий ғурур эса миллий ўзлигини англаш билан бевосита боғлиқдир. Тилини, динини, тарихини, аждодларининг мазмунли ҳаётини, оламшумул кашфиётларини яхши билган, ўрганган кишини, ўзининг кимлигини англаш мумкин ва унинг қалбида, вужудида ва руҳида фахрланиш туйғуси вужудга келади. Шунингдек, унда аждодларига содиқ қолиб, ўзини камол топтиришга бўлган интилиш инсоннинг ғурурини,

унинг хақиқий фазилатларини юксалтиради. Миллий онг уйғониши ва шаклланиши ўзликни англашдан бошланади. Ўзликни англаш миллий ғурурни уйғотади.

Президент И.А.Каримов истиқлолнинг илк кунлариданоқ миллий ўзбек давлатчилиги асосларини яратиш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, тарихий ҳақиқат ҳамда миллий анъаналаримизни тиклаш, кучли ичтимой сийёсат, тамомила янги, ўзига хос узлуксиз таълим тизимини яратиш, янги ўзига хос маънавий ва ахлоқий кадриятлар устуворлигини, тинчлик, барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро биродарликни таъминлаш, тинчликсевар ташқи сийёсатни амалга ошириш ташаббускори сифатида майдонга чиқди.

Бутун дунёда рўй бераётган янгиликлар, ўзгаришлар, бир қадар маънавий юксалишлардан қувонган ҳолда, баъзан сергак тортиб қолмаган. Назаримда истиқлолдан жуда кўп нарсани кутиб, талаб қилиб, ўзимиз унга ҳеч нима бермаётганга, туйғусини унутиб, қорин ташвиши билан яшаётганга, миллий ғурур ва туйғусини тўла тушуниб етмаётганга, ҳамма нарса учун фақат Президент ўйлаши, жон куйдириши керак деб фикрлашга ўрганиб қолаётганга ўхшаймиз.

Ҳар қандай тарбия ишининг хусусан ёшларда миллий ғурурни тарбиялашнинг ўзига хос омиллари мавжуд.

Дунёдаги барча халқ ва миллатларнинг ўзига хос миллий хусусиятларини ифодалаб, изоҳловчи турли туман тушунчалар ранг баранг истилоҳ ва иборалар мавжуд. Шулардан бири миллатимиз номидан келиб чиқади.

Ўқувчиларимиз миллий ғурурининг ривожланишида маданий меъросни ва миллатимиз ҳаётидаги маънавий маърифий жараёнларнинг ўрни ва ролини илмий фалсафий тадқиқ этиш ғоят катта аҳамиятга эга.

Мафкуравий тарбиянинг турли тамоиллар асосида амалга оширилиши унга мақсадли, системали характер бахш этади. Мактабда амалга

ошириладиган мафкуравий тарбия, энг аввало ўқувчининг шахс ҳаётий позициясини шакллантиришга қаратилган бўлиши лозим.

Шунингдек мафкуравий иммунитетни шакллантириш жараёнида қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш даркор:

- 1) ўсмирнинг физиологик ёш хусусиятларига;
- 2) ўсмирнинг ақлий имконияти, ҳис туйғуларининг ривожланганлиги;
- 3) эгаллаган билим ва малакаси даражаси;
- 4) ғоявий шаклланиши учун мавжуд шарт шароит, унинг турмуш тарзи.

Мафкуравий иммунитетни шакллантириш ўсмир мансуб бўлган ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос томонларини инобатга олган ҳолда амалга ошириш керак. Шунингдек тарбиявий жараённинг муваффақиятини таъминловчи қатор фазилат (янгиликка мойиллик, синчковлик ва хоказо)лар диққат марказида бўлмоғи лозим. Бирок, иккинчи томондан шуни ҳам унутмаслик керакки, ўсмирлардаги бир қатча ҳислат (шошма шошарлик билан хулоса чиқариш, талабларнинг қатъийлиги, баҳоларнинг муваффақиятлилиги ва хоказо)лар уларнинг мафкуравий тарбиясини ўзига хос тарзда ташкиллаштиришни талаб этади.

Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда ўсмирларнинг мустақил Ўзбекистоннинг нафақат амалдаги ҳақиқий ютуқларига балки қийинчиликларига ҳам баҳо бера олиш қобилиятларини бир вақтнинг ўзида шакллантириш зарурдир. Тажрибали педагог ва етакчилар ўсмирларга буюк келажак қурилиши узок жараён ва унда муаммо, қийинчиликлар учраши ҳам қонуний, чунки улар ривожланиш манбаидирлар. Улар болаларга ижтимоий ривожланишнинг олға қараб бориш хусусиятини, хал қилинмаган муаммоларни кўрсатиб бериш билан бирга очиб берадилар. Бу билан болаларнинг миллат, буюк келажак олдидаги шахсий масъулиятини пайдо қиладилар.

Ўсмирда хис туйғуларни идора қилиш лаёқати шакллана боради. Бу унинг хулқида намоён юўлади. Ўзининг хар нарсага жахли чиқиши, кўполлик ҳолатлари тез тез юз беради. Ўсмирларнинг бу ҳусусияти кўпроқ бахс мунозара жараёнида кўзга ташланади. 13 14 ёшли ўсмирларда ахлоқий эътиқод шаклланиб, ўзига хос қарашлар таркиб топа боради. Демак ўсмир билан муносабатда сабр тоқат, вазминлик зарур. Унга мустақиллик бериш, буйруқ эмас, аксинча, маслаҳат бериш бу ёшдаги ўқувчиларни тўғри тарбиялашнинг гаровидир.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, ўсмирларнинг мафкуравий иммунитетни бу 11-16 ёшли ўғил ёки қизнинг ғоявий билим, кўникма ва малакаларига асосланувчи, муаян мафкуравий вазиятларда ўзини ёт таъсирлардан ҳимоя қилишда намоён бўлувчи реакциясидир, деб таърифлаш мумкин.

Файласуф олима М.Қаҳҳорова ўсмирларда мафкуравий иммунитетни шаклланишини “ахлоқий коррекция” иборасига яқин маънода талқин қилади. Яъни, “Таълим тарбия жараёни воситасида шахс ахлоқини коррекция қилиб (сайқаллаштириб) бориш муҳим масаладир. Бунда ҳам икки йўл бор:

Ахлоқий фазилатларни ривожлантириш ва ахлоқий иллатларни чеклаш.

Бу масалада мақсадли йўналиш керак. Акс ҳолда фақат ахлоқ ҳақида гапириш билан иш битмайди. Чунки бугунги авлод ахборотлар оламида яшаётганлигини унутиб бўлмайди”. Дарҳақиқат мафкуравий беқарорлик мафкуравий бўшлиқ (яъни кишилиқ жамиятида мафкуранинг бутунлай йўқлиги), мафкуравий бефарқлик эса мафкурадан бутунлай холиликни англатмайди. Чунки кишилиқ жамиятининг ўзи (яхлит ҳолда) мафкурасиз бўлиши мумкин эмас.

Турли қараш ва ғояларнинг назарий жихатдан ўзлаштирилгани ҳали ўсмир ғоявий сиёсий позициясининг мустаҳкамлигидан далолат бермайди. Бу ғоя ва қарашлар “жонсиз капитал”лигича қолавермаслиги, эътиқодга айланмоғи лозим, чунки эътиқод шахсни маълум кадриятларга

бўйсундиради, ҳаётий позициясини шакллантиради. Шунинг учун мафкуравий онгни шакллантириш билан чекланмасдан, мафкуравий жараёнларга доир билимларнинг шахс эътиқодига айланишини ҳам таъминламоғи даркор.

Шундай қилиб, ўсмирлар мафкуравий иммунитетининг шаклланиши унинг онги ҳиссиёти ва иродаси билан боғлиқ жараёндир. Ана шу нуқтаи назардан ўсмирларнинг ғоявий дунёқарашини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири умуммиллий мақсадга онгли муносабатни тарбиялашдир. Англаган умуммиллий мақсад туфайли ёшлар аста секин барча турдаги жамиятга фойдали ишларнинг иштирокчилари ва бевосита ташкилотчилари, ташаббускорлари бўла борадилар.

2.2. Ҳарбий таълимнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти

Ҳарбий кадрлар тайёрлаш – хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили. Мамлакатимиздаги барча олий ҳарбий таълим муассасаларида 10 июль куни ўз келажагини Ватанимизни ҳимоя қилиш билан боғлашга аҳд қилган йигит қизлар учун тест синовлари ўтказилади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 19-апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора тadbирлар тўғрисида”ги фармойишга мувофиқ ушбу тизим олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун зарур шарт шароитлар яратиш, иқтидорли, ҳар томонлама тайёрланган ёшлар орасидан муносиб номзодларни танлаб олиш, ҳарбий таълим нуфузини ошириш мақсадида жорий этилди.

Айни пайтда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобил қўмондонлик муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети ҳамда Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий тиббиёт факультети биринчи курсга курсантларни қабул қилишга тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий кадрларни тайёрлаш бошқармаси вакили Шухрат Қосимовнинг сўзларига кўра, олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқишни истаган ёшлар жорий йилнинг 1 апрелигача ўзининг яшаш жойидаги мудофаа ишлари бўйича туман ва шаҳар бўлимларига ариза тақдим этган. Улар мудофаа ишлари бўйича бўлимларда тиббий кўрик, жисмоний ва руҳий ҳолат текширувидан муваффақиятли ўтгач, ҳужжатлар олий ҳарбий таълим муассасаларига кўриб чиқиш учун юборилган. Барча олий ҳарбий таълим муассасаларида малакали мутахассислардан иборат комиссиялар томонидан абитуриентлар қайта тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг жисмоний ва руҳий ҳолати текширилади. Мазкур синовлардан муваффақиятли ўтган йигитларга тест синовларини топширишга рухсат этилади.

Олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришда ёшлар ва айрим тоифадаги фуқоролар учун кенг имтиёзлар кўзда тутилган. Масалан, халқаро ва Республика фан олимпиадалари ғолиблари, ўз хизмат буричини бажариш пайтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари фарзандлари тест синовларидан озод этилади. Сержантлар таркибида шартнома асосида хизматни наъмунали ўтаган ҳарбий хизматчиларга тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 20 фоизи миқдорида имтиёз берилади. “Энг яхши сержант” танлови ғолиблари ҳам ўқишга танловсиз кириш ҳуқуқига эга. Шунингдек, ҳарбий академик лицейлар битирувчиларига ҳам тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 10 фоизи миқдорида имтиёз берилган. Бундан ташқари, ҳарбий қисм кўмондонлиги томонидан тавсиянома берилган абитуриентлар тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи миқдорида кўшимча имтиёзга эгадирлар.

Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомга мувофиқ тест синовларини белгиланган тартибда ташкил этиш ва ўтказишга пухта тайёргарлик кўрилди. Бу борада марказ мутахассислари олий ҳарбий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари, маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган.

Яқинда олий ҳарбий таълим муассасалари тингловчи ва курсантлар сафига ўз ҳаётини Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга бағишлайдиган янги ёшлар қўшилиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси мутахассислари офицер кадрларни шакллантириш учун ёшлар орасидан навбатдаги номзодларни танлаб олгач, ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини янада ислох этиш ишларини давом эттиради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг шу йил 3 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарорига мувофиқ улар олдига айнан шундай вазифалар қўйилган.

Мазкур ҳужжатга биноан олий ҳарбий таълим муассасаларига интеллектуал ривожланган ва ҳар томонлама тайёрланган ёшларни танлаш тартиби янада такомиллаштирилди. Мисол учун, олий ҳарбий таълим муассасалари тингловчилари ҳарбий профессионал йўналиш, дастлабки танлаш, ҳарбий профессионал танлаш ва тест синовларини назарда тутувчи танлов асосида комплекс равишда босқичма босқич саралаб олинади.

Абитуриентлар тест синовларини ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларидан бирини танлаган ҳолда топшириши мумкин. Бундан ташқари, номзодлар умумтаълим муассасаларида инглиз, немис ёки француз тилларини ўқиган бўлса, чет тили бўйича тест синовларини ҳам топширади. Агарда номзодлар умумтаълим муассасаларида бошқа чет тилини ўрганган бўлса, тест синовлари ўрнига олий ҳарбий таълим муассасаларида ягона кўп балли имтиҳон тизими бўйича чет тилидан имтиҳон топширади.

Айни пайтда олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришда амалда қўлланилаётган имтиёзлар тизими ўзгармаган.

2.3. БОБ бўйича хулоса

Давлатимиз мустақиллиги эълон қилинган илк кунларданок, яъни 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонуни билан Республикамизнинг Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ва ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлиги расман белгилаб кўйилди ҳамда 1991 йил 6 сентябрда Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида»ги Фармони имзоланди. Бу билан миллий армиямизни тузиш, ислоҳ қилиш, замон талаблари даражасида шакллантиришнинг бирламчи ҳуқуқий пойдевори яратилди.

1992 йил 14 январдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори билан мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий тузилмалар Республика тасарруфига олинди. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 29 декабрдаги қонуни билан 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни этиб белгиланди.

Қуролли Кучларимиз ташкил этилиши ва тузилишининг, шунингдек давлатимиз мудофаасининг асослари ва мақсади, давлат ва маҳаллий бошқарув идораларининг мудофаа қобилятини таъминлаш борасидаги ишларни йўлга кўйиш, бошқаришдаги вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳуқуқий асосларини белгиловчи қонун ҳужжатлари ҳақида кўплаб сўз юритиш мумкин.

Ш. БОБ. Ўқувчи-ёшларни мард ва жасур қилиб тарбиялаш юзасидан тажриба-синов ишлари мазмуни

3.1. Тажриба синов ишларининг услублари ва натижалари

Маълумки ҳозирги кунда, ҳарбий тизимни замон талаблари асосида ташкил этиш масаласига кенг эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли муаммо доирасида олиб борилган тажриба-синов ишлари таркибида ўқувчи-ёшларни мардлик ва жасорат сифатларини шакллантирилишини ташкил этиш ва уларни бу борадаги билимларини умумлаштириб, ёшларни мард ва жасур қилиб тарбиялашга йўналтирилган фаолият мазмунини ишлаб чиқишга асосланган тадбирларни ташкил этишга қаратдик.

Мазкур мақсадни амалга ошириш, тарбия жараёнини такомиллаштириш имконини берувчи тадқиқот ишларини ташкил этдик.

Тадқиқот воситасида қўйидаги педагогик вазифаларни ижобий ҳал этилиши назарда тутилади.:

1. Талаба-ёшлар онгига мардлик ва жасорат туйғуси хусусидаги ғояларни сингдириш орқали уларнинг педагогик малакасини оширишни асл моҳиятини англаб етишишга эришиш;
2. Ўқувчи-ёшларда мардлик ва жасорат туйғуларини инновацион технологиялар орқали ташкил этиш ва бу ҳақидаги билимларини чуқур шакллантириш.
3. Ўқувчиларда ҳарбий ватанпарварликка оид билимларни эгаллашга нисбатан онгли ички эҳтиёжни (мотив) юзага келтиришни таъминлаш ва стимуллаш;
4. Талаба-ёшларда мардлик ва жасурлик тарбиясига оид назарий билимларини амалий кўникмаларга айлантириш.

Тадқиқот мақсадига эришиш учун тажриба-синов ишларини ташкил этиш жараёнида кузатиш, суҳбат, анкета сўровнома, тест, баҳс мунозара ҳамда интерфаол ўқитиш методлари орқали машғулотлар ташкил этилди ва бошқа таълим шаклларида фойдаланилди.

Тажриба-синов ишлари Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университетининг Чақириққача ҳарбий таълим факультети 303 ва 304-гуруҳ талабаларида очик дарс тарзида олиб борилди.

Очик дарс мавзуси “Ҳарбий таълим соҳасида мард ва жаъсур кадрларни тайёрлаш”.

Очик дарс 3 босқичда амалга оширилди яъни: кириш қисми, асосий қисм ва якуний қисм.

Дарс мобайнида машғулот раҳбари дарс мавзуси ва мақсадини эълон қилди. Мавзу слайд ёрдамида доскада ёритиб борилди. Машғулот мавзуси қисқача тушунтириб берилгандан сўнг гуруҳ талабалари кичик гуруҳчаларга ажратилди. Ҳар бир гуруҳчага биттадан мавзу берилди (**илова №2**). Гуруҳчалар ушбу мавзунини гапириб беришлари керак эди. Барча гуруҳчалар мавзуларини ёритиб бўлганларидан сўнг, мавзучаларни мустаҳкамлаш мақсадида қисқа савол-жавоблар ўтказилди.

Мавзу кўргазмали воситалар, ҳаётий мисоллар ёрдамида тўлдирилиб борилди (**Илова №3**).

Машғулот мобайнида талабалардан “мардлик ва жасорат сифатларини шакллантиришда ҳарбий таълимнинг роли қандай?” деган савол берилди.

Жами 20 нафар талаба ушбу сўровномада қатнашган бўлса, шундан 54% талаба мазкур саволга мардлик ва жасорат сифатларини шакллантиришдаги энг асосий роль ҳарбий таълимга, ҳарбий билим юртларига қаратилганлигини билдирган.

Яна 46% талаба эса ушбу сифатлар оила, мактаб, маҳалла ижтимоий муҳит ёрдамида шаклланиши, ҳарбий таълим эса бу сифатларни мустаҳкамлашини билдириб ўтганлар.

Шунингдек талабаларнинг ҳарбий таълим соҳаси тўғрисидаги билимлари билан ҳам қизиқдик. Олинган маълумотларга кўра деярли 60 % талаба ҳарбий касбнинг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликларини, халқ, Ватан олдидаги бурчини, халқнинг тинч ва тотув, фаровон яшаши учун муҳим саналган касб эканлигини айтиб ўтдилар. Қолган 40% талаба эса

харбийлик касбининг бошқа касблардан фарқини, бу соҳани танлаш орқали халқни, она юртини, ишончини қондириш шарт эканлиги хақида кенг тўхталдилар.

Тажриба синов ишларинин якунида ўқувчиларни егаллаган билимларини синаб кўриш мақсадида тест саволлари ўтказилди. **(ТЕСТ саволлари Илова№1).**

3.2. Шакллантирувчи тажриба натижалари

Таҳлиллар асосида чиқарилган ушбу хулоса талаба-ёшларда мардлик ва жасорат сифатлари қай даражада шаклланганлигидан далолат беради. Демак, ёшларни мард ва жасур қилиб тарбиялаш асосларини самарали усуллар орқали ўргатишда аввало уларнинг ўзидаги таълим асосларини ўрганишга, билишга бўлган қизиқишни ўстирувчи омилларни аниқлаб, улар орқали таъсир этишга эришиш тадқиқотдан кўзланган асосий мақсадларнинг бири эканлигини яна бир бор асослади.

Шу боис тажриба - синов ишларини ташкил этишнинг мазкур босқичида талаба ёшлар томонидан чақириққага бошланғич тайёргарлик, Ўзбекистан Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий докторина ва унинг мудофаа қобилияти ҳақидаги билимларни тўлақонли идрок этишларини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг ўтказилишга алоҳида эътибор қаратдик.

Ўзбекистан Республикасида ҳарбий таълим соҳаси мавзусида бахс - мунозара уюштирилди. Мазкур бахс-мунозара «Ақлий хужум» технологиясидан фойдаланилган ҳолда ташкил этилди. Яъни бир муаммо юзасидан турли хил ғоялар йиғиб олиниб машғулот якунида ўқитувчи томонидан умумлаштирилди.

Талаба-ёшларнинг мард ва жасур бўлиб камол топишида ҳарбий таълимнинг роли қай даражада шаклланганлиги.

Мазкур тадқиқот жараёнида мардлик ва жасурлик тарбиясини шакллантириш ҳолатини ўрганиш, шу асосда муаммонинг ижобий ечимига ёрдам берувчи самарали шакл ва методларини ишлаб чиқиб амалиётда қўллашни аҳамияти юқори эканлиги аниқланди.

Хулоса

Ҳозирги кунда ўқувчи-ёшларда мардлик ва жасорат сифатларини шакллантириш мақсадида «Мардлик ва жасорат» дарслари умумтаълим мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларда таълим муассасалари ўқитувчилари ва ҳарбий хизматчилар томонидан ўтказилиб келинмоқда. Мазкур дарслар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ветеранлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва жойлардаги Республика маънавият маркази вакиллари иштирокида ташкил этилади.

Бу дарсларининг асосий мақсади ўсиб келаётган ёш авлод қалбида Ватанга чексиз муҳаббат, Қуролли Кучларимиздан ғурурланиш ва ҳарбий хизматга нисбатан ҳурмат, улар онгида Ватан, ватанпарвар бўлиш, қаҳромонлик ва жасорат кўрсатиш каби юксак тушунчаларни шакллантиришдир.

Давлатимиз мустақиллиги эълон қилинган илк кунларданок, яъни 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонуни билан Республикаимизнинг Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ва ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлиги расман белгилаб қўйилди ҳамда 1991 йил 6 сентябрда Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида»ги Фармони имзоланди. Бу билан миллий армиямизни тузиш, ислоҳ қилиш, замон талаблари даражасида шакллантиришнинг бирламчи ҳуқуқий пойдевори яратилди.

1992 йил 14 январдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори билан мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий тузилмалар Республика тасарруфига олинди.

Таҳлиллар асосида чиқарилган ушбу хулоса талаба-ёшларда мардлик ва жасорат сифатлари қай даражада шаклланганлигидан далолат беради. Демак, ёшларни мард ва жасур қилиб тарбиялаш асосларини самарали

узулар оркули ўргатишда аввало уларнинг ўзидаги таълим асосларини ўрганишга, билишга бўлган қизиқишни ўстирувчи омилларни аниқлаб, улар оркули таъсир этишга эришиш тадқиқотдан кўзланган асосий мақсадларнинг бири эканлигини яна бир бор асослади.

Талаба-ёшларнинг мард ва жасур бўлиб камол топишида ҳарбий таълимнинг роли қай даражада шаклланганлиги.

Мазкур тадқиқот жараёнида мардлик ва жасурлик тарбиясини шакллантириш ҳолатини ўрганиш, шу асосда муаммонинг ижобий ечимига ёрдам берувчи самарали шакл ва методларини ишлаб чиқиб амалиётда қўллашни аҳамияти юқори эканлиги аниқланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Рўйхати

Норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар:

1. А.Каримов.” Юксак маънавият енгилмас куч” Тошкент 2008й.
2. И.А.Каримов “Баркамол авлод орзуси” Тошкент 1998й.
3. И.А.Каримов “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” 1998й.
4. И.А.Каримов “Ватан хар биримиз учун муқаддас”.
5. И.А.Каримов “Буюк келажак сари”
6. И.А.Каримов “Ўзбекистон конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир.” Халқ сўзи, 2009 йил, 6-декабр.
7. И.А.Каримов “Миллий армиямиз- мустақиллигимизнинг, тинч ва осоишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир”.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси “Мудофаа тўғрисида”ги қонун 2001 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонун 2002 йил.
4. “Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш” ўқув дастури 2011 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси ҳарбий докторинаси.
6. Талабаларни ЧХТ мутахассислиги тайёрлаш дастури.
7. “Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси асослари” маъруза матнлари тўплами.
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Тошкент 1994йил.
9. Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” Тошкент. 2004 йил. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
10. “Темур тузуклари” Х.Бобобеков Фан ва технология нашриёти 2014 йил.
11. Амир Темур ўғитлари.-Т.:Наврўз, 1992.-64 б.
12. Аждодлар ўғити, ҳикоялар, ҳикматлар. Тўпловчи Б.Аҳмедов.-

- Т.:Ўқитувчи,1990.-240б.
13. Б.Аҳмедов. “Аждодлар ўғити, ҳикоялар, ҳикматлар”. Т: Ўқитувчи. 1990. 240 б.
 14. А.Ю. Сотволдиев. “Чақирикқача ҳарбий таълимни ташкил этиш ва унинг методикаси”. Т; «Алоқачи». 2010. Бетлар. 3, 6, 7, 9.
 15. Турсунов. “Армия”. Т: Адолат. 2003. 32 б.
 - 16.О. Мусурмонова. “Маънавий кадриятлар ва ёшлар тарбияси”. Т: Ўқитквчи. 1996. 52 б.
 17. М. Х. Тохтаходжаева. С. Нишонова. З. Хасанбоев ва бошқлар. “Педагогика”. Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти. Т:2010
 18. Умумтаълим мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллеж ўқувчилари билан «Мардлик ва жасорат» дарсларини ўтиш бўйича услубий тавсиялар. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги Тошкент-2014
 19. Иноятов. “Ватан ҳимояси муққадас бурч”. Т: 2001
 20. Логинов И. Рефлексивная культура военного руководителя.-М., 2001
 21. Турсунов А.Армия.*Т.: Адолат, 2003. 32 б.(Давлат ва миллат рамзлари). Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучларини ислоҳ ҳилиш мамлакатимиз хавфсизлиги ва барҳарорлигини,худудий яхлитлигини, унинг чегаралари даҳлсизлигини, фуҳаролар тинчлиги ва осийишталигини таъминлашга ҳаратилган». 3.б.
 - 22.Мусурмонова О. Маънавий кадриятлар ва ёшлар тарбияси.- Т.:Ўқитувчи, 1996.-192 б.
 - 23.Мустақил Ўзбекистоннинг ёш авлодини тарбиялашда маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги концепцияси. Т.:Ўзбекистон, 1994.-27 б
 - 24.Маънавият юлдузлари: Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар маъсул муҳаррирлар. :М.М.Хайруллаев.-Т.:А Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1999.-400 б.
 - 25.Маънавият асослари.-Т.:Ўзбекистон,энциклопедияси давлат илмий нашриёти,2000.-176 б.
 26. Атаев А.К.Фарзандингиз баркамол булсин.-Т.:Ибн Сино номидаги нашриёти,1990.- 103 б.

Тест

1. «Мардлик ва жасорат» дарсларининг асосий мақсади?
 - А. ўсиб келаётган ёш авлод қалбида Ватанга чексиз муҳаббат, Қуролли Кучларимиздан ғурурланиш ва ҳарбий хизматга нисбатан ҳурмат, улар онгида Ватан, ватанпарвар бўлиш, қаҳромонлик ва жасорат кўрсатиш каби юксак тушунчаларни шакллантиришдир.
 - Б. ўсиб келаётган ёш авлод онгида фаол ҳаётий позиция, ватанпарварлик ва Ватан тақдири учун қайғуриш каби тушунчаларни шакллантириш ва чуқурлаштириш
 - В. халқимизнинг қаҳрамонона ўтмишига нисбатан чуқур ғурур ва ифтихор руҳини тарбиялаш, Ватан ҳимоясига ҳар доим тайёр туриш, Ватан ҳимояси йўлида қаҳромонлик ва мардлик намуналарини кўрсатган аجدодлармизга нисбатан чуқур ҳурмат кўрсатиш руҳини тарбиялаш.
2. Мардлик ва жасорат дасларини қайси вақтда ўтиш мақсадга мувофиқ?
 - А. Хар куни дарслар бошланишидан олдин 15 дақиқа.
 - Б. Дарслардан кейин.
 - В. 14 январь- Ватан ҳимоячилари куни, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни, шунингдек, 1-сентябрь «Мустақиллик» байрами кунлари арафасида.
3. Ватан ҳимоячилари куни қайси санада нишонланади?
 - А. 1992-йил 14-январь
 - Б. 1993-йил 7-декабр
 - В. 1994-йил 23-январь
4. Амир Темур ўзи амал қилган нечта сифатни биласиз?
 - А. 13 та
 - Б. 7 та
 - В. 9 та
5. Қуролли кучлар олий бош қўмондони ким?
 - А. Иноятов. И
 - Б. Матлубов. А
 - В. Каримов. И
6. Ватанни озодлиги учун ўз жонидан кечган саркардалардан кимларни биласиз?
 - А. Спитамен, Широқ Нажмиддин Кубро
 - Б. З.М. Бобур, Машрап, Фурқат
 - В. Амир Темур, Жалолiddин Мангуберди, Темур Малик
7. «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қачон қабул қилинган?
 - А. 2008 йил 20 ноябр
 - Б. 2007 йил 20 октябр
 - В. 2008 йил 20 декабр
8. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг Васийлик кенгаши

А. 2014 йил 5 мартда

Б. 2014 йил 3 мартда

В. 2014 йил 4 мартда

9. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб максимал баллнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз белгиланиши тўғрисидаги қарор нечанчи йили қабул қилинган?

А. 2012 йил 31 майдаги қарори

Б. 2012 йил 12 июнь

В. 2012 йил 25 август

10. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор қачон қабул қилинган?

А. 2008 йил 10-декабр

Б. 2004 йил 1-январь

В. 2005 йил 30 июн

**Биринчи ўқув-тарбиявий вазият
(йўналиш):**

“Аждодларимиз жасорати – мардлик сабоғи”.

**Иккинчи ўқув-тарбиявий вазият
(йўналиш):**

“Миллий армиямиз тинчлик ва хавфсизлигимизнинг мустаҳкам кафолатидир”.

**Учинчи ўқув-тарбиявий вазият
(йўналиш):**

“Ҳарбий хизмат шарафли ва масъулиятли бурч”.

**Тўртинчи ўқув-тарбиявий вазият
(йўналиш):**

“Мустақил Ўзбекистон ҳимоячилари мангу ёдимизда”.



Амир Темурнинг ўзи амал қилган куйидаги шахс сифатларини таърифлайди ва биз улардан баркамол шахс шакллантиришимизда, миллий тарбиямизда фойдалансак мақсадга мувофиқ бўлади:

1-сифат: “Мен сифатларимнинг энг аввали деб беғаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил: жиддий ва одил қардим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмасдим, бойни камбағалдан устун қўймасдим”. Инсонпарварлик, демократик, миллий тарбия нуқтаи-назаридан қараб, мазкур сифатни тарбиячининг, ўқитувчининг ўқувчиларни бор холича (нуқсонлари бўлса, билиб туриб ҳам) қабул қилиши, уларга меҳр-муҳаббат улашиши зарурлиги тушуниш мумкин.

2-сифат: “Мен камбағалларга кўп ҳайр-эҳсон қилдим. Ҳар можаро ва муаммони диққат билан текширдим ва уни мумкин қадар тўғри ҳал қилишга бутун шахдимни сарф қилдим”. Миллий тарбия ҳар бир ўқувчи билан ҳам

индивидуал ҳам гуруҳий ишлашни тақозо этади. Ўқитувчининг меҳнати самараси ҳар доим ҳам тез орада кўриनावермайди. Сабр-тоқат, чидамлилиқ билан ўқувчининг келажагига оптимистик умид боғлаб, унинг билан тизимли ишлашда давом этиш зарур. Миллий таълим-тарбия жараёнларига айниқса, инновацион технологияларнинг жорий этилиши, ҳар бир ўқувчининг индивидуал имкониятларини очиб беришга хизмат қилади, билим, кўникма, малакалар билан бойитади.

3-сифат: “Ҳалойиққа раҳм қилдим, барчага наф еткурдим. Бунда бировга ноҳақ озор етказмадим ва мендан ёрдам сўраб келганларни кўкрагидан итармадим”. Миллий тарбияда ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш, унга кечиримли муносабатда бўлиш, ўқитувчининг оғир-босиқлиги, асабларини бошқариб олганлиги кадрланади. Ўқитувчининг салбий ҳис-туйғуларга берилиши, дарсларининг сифатсизлиги кечириб бўлмайдиган ҳол. Ҳамма таълим-тарбия жараёнлари марказида ўқувчиларнинг қизиқишлари, манфаатлари туриши давр талаби.

4-сифат: “Барча сўзларимда доим ҳақиқатгўйликка амал қилдим. Бу дунё ва у дунё ҳақидаги эшитганларимдаги ҳақиқатни ёлғондан ажрата билдим”. Миллий тарбияда ўқитувчи ўз шахси намунаси, хатти-ҳаракати, гап-сўзи билан ўқувчилар ўртасидаги ҳақиқатгўйлик кафолати бўлмоғи зарур. Шундагина ташаббускор, интилувчан, тадбирли, кўркмас фуқарони шакллантира оламиз.

5-сифат: “Мен ҳар кимгаки, ваъда берсам унга вафо қилдим. Ҳаргиз ваъдага ҳилоф иш қилмадим. Мен доимо ваъдаларимни аниқ бажарсам, шундагина одил бўлишимни ва кимсага жабр етказмаслигимни англадим”. Қатъиятлилик, интизомлилиқ, тартиблилик, ҳар бир сўзини ўйлаб гапиришлилик баркамол авлоднинг базавий сифатларидандир. Миллий тарбияда сўз ва иш бирлиги кадрланади. Бу сифатларни шакллантириш эса, ўз навбатида тушунтириш, шарҳлаб бериш, эмоция-ҳиссиётга таъсир этиш ва қолаверса, ўқитувчининг шахсий намунаси билан амалга оширилади. Ўқитувчи сўзда ҳам ишида ҳам авваламбор, ўзи намуна кўрсатмоғи даркор.

6-сифат: “Мен ҳар доим инсоф байроғини баланд кўтардим ва иймон тарқатишни ўз буюкликимнинг қудратли замини деб билдим. Мен инсон бир онадан туғилган деб ишонганман. Шунинг учун мустаҳкам қудратга таянган қудрат, буюк бўлади”. Миллий тарбияда маънавий етук фуқаро тарбияси интегратив (жамловчилик) хусусиятга эга. Педагогика дарсликлариди тарбия тизими, турлари алоҳида-алоҳида битилган билан аслида, объектив ундай эмас. Тарбия турларини айрим-айрим ҳолатда, бир-бири билан боғланмаган ҳолда амалга ошириб бўлмайди. Бир тарбия турини амалга оширишда хоҳлаймизми, йўқми бошқа тарбия турларига ҳам мурожаат қилишга, улар билан узвий боғланишга мажбур бўламиз. Ана шу маънода маънавий етук шахс тарбияси, эътиқод, ишонч, илмий дунёқараш маъносини беради. Ҳамма тарбия турлари миллий мустақиллик эътиқоди, ишончи байроғи атрофида бирлашиши керак. Миллий мустақиллик ғояси – бу қудратли кучдир.

7-сифат: “Мен доим саидларга эҳтиром билан қарардим, уламо ва шайхларни эъзозлардим. Бу кишиларни доимо мажлисларимга чақирардим.... Шунинг учун менга нисбатан халқнинг меҳри баланд эди ва ҳамма мендан миннатдор эди”. Инсонпарварлик, демократик, миллий тарбия ҳар доим ҳам ўқувчилар жамоасидан лидерларни аниқлаш, педагогик диагностика қилишни, уларни авайлаб-асраб ривожлантиришни тақозо этади. Педагогик тадқиқотларнинг натижаларига кўра, лидерлик биогенетик асосларга эга ва ҳар қандай одамдан ҳам лидер чиқариб бўлмайди. Ўқитувчи миллий тарбиямиз анъаналарига кўра, лидерлик имкониятларига эга ўқувчиларни аниқлаши, уларга индивидуал ёндашиши, ўстириб-ривожлантириши, ўзини том маънода рўёбга чиқаришларига ёрдам бериши керак. Лидерлар – бу келажакда жамиятда буюкликка йўналтирувчи, етакчи куч эканлигини, улардан жамият манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш лозимлигини ўқитувчи англаб етиши даркор.